Ўтган замонда бир факир эр-хотин бўлар экан. Уларнинг бисотида фақатгина битта эчкиси бор экан. Эчкисига хар куни бир сиким курук хашакни бериб, елинларига муштлаб кунига бир коса сут согиб олишар экан. Уларнинг кунлик овкати шу бир коса сут билан ўтар экан. Лекин бечора эчкига хар хафтада бир кун дам беришар экан. Эчки шу дам оладиган куни бўшалиб бориб, эркин тирикчилик килар экан.

Эчки эрта бахорда, кишлокка якин бир ўрмонзорда ўтлаб юраркан, ногахон унга бир совлук кўй келиб салом берибди. Эчки бундай караса, шу шўринг кургур совлук бечоранинг холи хароб, багри кабоб кўринибди. Орик, териси бориб суягига ёпишиб, хар ковургаси «мана мен», деб саналиб турибди. Эчки совлукнинг саломига алик олиб, унга айтибди:

— Кўзинг ўзини ерга солиб, юзингга боккани уялиб, пўстингда унда-муда бир тук, у хам бўлса, ўзингга огир юк, — дебди. Эчкидан бу гапни эшитиб, совлук изза бўлиб, унинг юзига караб:

— Ўрток эчки, сен олдин ўзингга бок, сўнгра ўзгага бок. «Ўзингни бил, ўзгани кўй», деган гапни эшитганинг йўкми, иштони йўк, тиззаси йиртикка кулмай кўя колсин. Бу айтган байтинг ўзингга мос келади, — дебди.

Шундан кейин булар бир-бирлари билан таниш-билиш бўлиб, гаплашиб кетибдилар. Хар иккалалари ўзларининг бошларидан ўтганларини айтишибдилар. Эчки:

— Менинг хўжайиним бор. Хўжайинимнинг мендан бошка хеч нарсаси йўк, ейдиган овкати хам йўк, факат эр-хотин менга зўрга бир тутам курук хашак топиб бериб, елинимга муштлаб уриб, болам учун тайёрлаган бир коса сутимни согиб олиб, овкат килишади. Хафтасига зўрга бир кун эркинликка чикаради. Факат жума куни эркин юриб ўйнайман, юрагимнинг чигилини анча ёзиб кетаман, — дебди.

Эчкидан кейин совлук кўй хам бошидан ўтганларини гапирибди. Унинг турмуши хам эчкининг турмушига ўхшаш экан. Уни хам факат жума куни бошвогини олиб, дам бериб кўйиб юборар эканлар. Шунда булар хўжайинларининг жабр-зулмларидан кутулиш йўлини ахтарибдилар. Ахири булар бир жойга кочиб кетишга маслахат килишибди.

— Энди каерга кочамиз? — дебди совлук.

Эчки бутун атрофга караб олиб:

— Менинг отам: «Ху, ўша кўринган тог жуда хам ўтлок жой, сувлари яхши, хавоси ундан хам яхши, болам, бир илож килиб ўша жойга етиб борсак, умрбод рохатда ўтардик, бу ерда кўрган азобларимиз хам эсимиздан чикиб кетарди», дегувчи эди. Лекин отам рахматли у ерга етолмай, бизни хам еткизолмай, оламдан ўтиб кетди. Отам менга: «Агар менинг болам бўлсанг, ўша жойларга барсанг, кенг яйловларда мен учун хам у ёк-бу ёкка югуриб, менинг арвохимни шод килиб кўясан», деб васият килиб кетган эди. Энди шу жойга борсак, кўп яхши бўлади, — дебди.

Бу гап совлукка кўп маъкул келибди. Иккаласи хайё-ху, деб ўша кўринган токка караб жўнашибди.

Булар йўлда кетаётганда, узокдан бир нарсага кўзлари тушибди. «Бу кандай нарса экан», деб туришганда, у нарса бир хўкиз бўб чикибди. Хўкизнинг тинкаси куриган, секин-секин кадам босиб кетаётган экан. Эчки билан совлук бу ёкдан етиб бориб карашса, бир кўнгир хўкиз шохи худди бир кулоч келади. Жуда хам ориклаб кетган. Кўзлари шокосадай, шафак босган, бўйни кингир толдай ерга эгилган, чўккиси кирдай иргиб чиккан, гапиришга хам мадори колмабди. Эчки салом берган экан, бечора хўкиз

бошини бир ликанглатиб, аранг алик олибди. Гапиргани мажоли хам колмабди. Хўкиз булардан «ха болалар, йўл бўлсин?» деб сўрабди. Эчки:

— Улугимиз сиздан бўлсин? — дебди.

— Хе болалар, хафта ишладик, эртага шанба бўлса, букун бир хордик чикариб, сал тикланиб олай деб келяпман, — дебди. Ундан кейин эчки билан совлук хам бошларидан ўтказганларини айтиб, ахирида хўжайинлари билан хайр-маъзурни насия килиб, токка караб кетаётганликларини айтишибди. Шунда хўкиз туриб айтибди:

— Дунёнинг гам-гашидан жуда чикдим. Сахардан то намозшомгача ишлайсан, анча-анча ерни хайдайсан, кеч кириб жуда дармонингдан кетганингда кўшдан чикаради, ўлганинг устига кўмган дегандай, кетишда курук кетмасин бир арава чўп-чўмакни хам юклаб кетишади. Уйга борсанг тузук-курук овкат йўк. Энди баданда жир тугади. Кувват кетди. Бу жабр-зулмлардан канака килсам кутулар эканман, деб кўп вактлардан бери ўйланардим. Яхши бўпти. Сизлар шу маслахатни топибсизлар. Энди мен хам сизлар билан кетаман, — дебди. Улар: «хўп, бўпти», — дейишибди.

Шундай килиб, булар учаласи токка караб жўнашибди.

Булар йўл юриб, йўл юрса хам мўл юриб, мўл юрса хам кўл юриб, ахири бир кун токка етишибди. Токка боришса, бу тог эчки айтгандай, жуда хам обод экан. Истаган овкат топиларкан. Хавоси жуда баланд, сувлари тиник. Булар бориши билан яхшилаб коринни тўклаб, адирликдаги катта чинорнинг тагида макон куриб ёта беришибди. Шу куни кечаси оёкларини узатиб ухлашибди. Сахарга борганда эчки уйкусида босинкирабди. Унинг тушига хўжайинлари кириб: «Сен каёкка йўколдинг, сендан неча кунлик сутни согиб оламан», деб уни тушовлаб, сога бошлабдилар. Бир коса сут чиккандан кейин, сут чикмай колибди. Шунда хўжайини: «Сен колган сутларни нима килдинг», деб кўлига катта сўйилни олиб хадеб ургани турибди. Шунда эчки овозининг борича «дод» деб кичкирибди. Бунинг овозини совлук билан хўкиз эшитиб, бунга нима бўлди, деб уйготишибди. Эчки уйгониб дарров ичига тупуриб:

— Худога шукур-эй, тушим экан! Тушимда хадеб хўжайиним уряпти, — дебди.

Хўкиз айтибди.

— Бу тушинг бўлмай, нима бўлади, энди хўжайининг хам йўк. Хўжайиннинг катта сўйили хам ўзи билан бирга колди, — дебди. Шундай килиб булар бу ерда жуда яйраб колишибди. Кундагидай сахар уйготиш, бўйнига аркон солиш йўк. Овкат сероб, тергайдиган одам йўк. Булар тез кунда жуда хам тозариб, семириб кетишибди. Хўкиз жуда хам семирибди. Унинг савлатини кўрганда хар кандай ёввойи хайвонлар хам кочадиган бўлибди.

Бир куни хўкиз шерикларига айтибди:

— Мен хар куни ичкарида ётиб, иссиклаб колаётибман, бу кун чинорнинг тагида ётаман, — дебди.

Шу куни эчки билан совлук ичкарида ётишибди. Хўкиз ташкарида ётибди.

Шу куни каттик совук бўлиб хўкиз ётган ерида шамдай котиб колибди. Эрта билан ўртоклари чикиб, хўкизни чакирса хеч товуш бермабди. Нима бўлди экан, деб бориб карашса, совукдан шодиянгкоки бўлиб, музлаб колибди. «Энди нима киламиз» дейишибди. Ахири буни ўтга кизитмасак бўлмайди деб, эчки дарров чинорнинг устига чикиб у ёк-бу ёкка карабди. Караса якин бир пастликдаги ўнгурдан тутун чикиб турибди. Чинордан дарров тушибди, тушиб совлук иккаласи хўкизни аранг суяшиб тутун чиккан тарафга бошлашибди. Йўлда кетаётса, бир жойда бир йўлбарс, бир бўри, яна бир тулкининг териси ётибди. Эчки териларни олиб хўкизнинг устига ёпибди. Яна

жўнашибди. Булар тутун чиккан ерга бориб карашса, бу жой бутун вахший хайвонлар ўтирадиган жой экан. Булар шу ерда тўпланиб олиб, гап ейишар экан. Совлук билан хўкиз кўркиб оркаларига кайтмокчи бўлибдилар. Эчки уларни тўхтатиб хўкизнинг устидаги бояги йўлдан топган териларини олиб, унгурнинг огзига ташлаб, ичкарига салом бериб кирибди. Хўкиз билан совлук хам кирибди. Киришса ичкарида бўри, арслон, тулки, коплон ва шердан тортиб хамма вахший хайвонлар бор. Йўлбарс подшох хам тахтда ўтирибди. Шу куни тулки гап берадиган экан. Тулкини ўртага олиб жуда хам сикиб: «Нимага бу кун овкат топиб келмадинг?» деб туришган экан. Тулки: «Хамма жойни кидириб келдим, сира хам овкат учрамади, худо ўзи етказмаса, бандаси нима килади», деб турган экан. Шунда бирдан булар киришиб колишибди. Буларни кириши билан тулки жуда хурсанд бўлиб кетиб, бир байтни айтибди.

Тулкининг байтини эшитиб, эчки хам чўнкайиб, подшохга караб байт айтибди.

Наманган шахрида кассоб эдим, дўстлар,
Олтмиш йўлбарс, олтмиш бўри, олтмиш тулки
Сўйишга кўл кўйган пудратчи эдим.
Худойимдан ўргилай энди келдим конига.
Ишонмасанг чикиб кара, энди бўлди биттадан, —

дебди.

Шундан кейин, ундаги вахший хайвонлар бирин-кетин чикиб караб бояги териларни кўриб ичкарига кайтиб кирмасдан, шундан нари кетаверибдилар. Ахири йўлбарс подшох ўзи якка колиб, кўркканидан у хам чикиб кетаётган экан, хўкиз югуриб йўлбарснинг корнидан сузиб бориб, жарга такаб туриб колибди. Буни кўриб эчки билан совлук хам хуришга кирибди. Улар хам бориб тисарилиб туриб, олдинга караб югуриб, йўлбарсни суза бошлабди. Йўлбарс караса, булар ўлдириб кўяди. Ахири ялингани турибди. Йўлбарс айтибди:

— Жон акалар, энди бундан буёк сизга хеч даъвогарлик килмайман, сизлар турган жойга бирорта хайвоннинг кадамини бостирмайман. Мени кўйиб юборинглар, — дебди.

Улар йўлбарс подшохдан ваъдани олиб, уриб-суриб хайдабдилар. Вахший хайвонлар кетгандан кейин булар бу жойдаги ўлжаларни олиб, хўкизга юклашиб жойларига караб кетибдилар.

Бояги вахший хайвонлар улардан кочиб бориб, бир ерга тўпланишибди. Улар: «Шу учта гўштдан кочдикми?» деб, кочганларига пушаймон килиб, яна уларни кувиб бормокчи бўлиб жўнабдилар. Эчки уларнинг келаётганини билибди. Эчки дарров кўй билан хўкизнинг олдига келиб, уларни чинорга юборибди. Ўзи бир баландликка чикиб турибди. Эчки кўй билан хўкизга агар халиги вахший хайвонлар бизни излаб тополмай, шу ерда ўтириб колишса, каттик овоз килиб чинордан ўзларингни ташланглар, деб гап ўргатган экан. Бояги вахший хайвонлар излаб келиб колибди. Улар чинорнинг тагига келганда тулкига ялинибдилар:

— Ана биз уларни тополмадик. Сен ромчи эдинг, бир ром караб кўйгин, улар кайда экан? — дейишибди.

Тулки хам чўнкайиб ўтириб ром караб кетибди. Тулки ром караб, хамма хайвонлар унинг огзига тикилиб ўтирган экан, бирдан юкоридан аллакандай бир овоз чикиб, бир нарсалар тушиб келиб колибди. Улар бояги хўкиз билан кўй экан. Шу холда бирдан нариги ёкдан:

— Ромчисини ушла, ромчисини ушла, — деб овоз келиб колибди.

Бу ахволдан кўркиб вахший хайвонлар орка-олдига карамасдан кочиб кетишибди. Бундан кейин улар бу жойларга бутунлай келмайдиган бўлиб кетибдилар. Шу билан хўкиз, эчки, кўйлар бу жойда умрбод яшаб колишибди.